**ГРУША ЖАРЕНАЯ.** Клубни нарезают, бланшируют, подсушивают и жарят как картофель или пончики в кипящем масле.

**ЗАПЕКАНКА.** 125-150 г тертого клубня, 50-60 г мелко нарезанного зеленого лука (можно и репчатого) перемешать, обжарить на растительном масле, залить взбитыми яйцами с молоком, добавив чайную ложку манной крупы, все перемешать и запечь в духовке.

**КЛУБНИ КВАШЕННЫЕ.** Клубни нарезают толщиной 3-4 мм, и укладывают в эмалированную посуду, заливают подсоленной водой. После периода брожения их используют как гарнир ко вторым блюдам или как сухарики, употребляют с кофе, чаем.

**КЛУБНИ ОТВАРНЫЕ.** Горячие, сваренные в подсоленной воде клубни залить приготовленным заранее соусом из грибного бульона, в который добавив сметану, размешанную с поджаренной мукой. Дать закипеть, заправить лавровым листом и черным перцем и через 5 минут снять с огня. В горячий соус положить зелень: укроп, лук, петрушку.

**ДИЕТИЧЕСКИЙ КОФЕ.** Клубни нарезают ломтиками толщиной 2-3 мм поджаривают в духовке, перемалывают в кофемолке и применяют как заменитель кофе.

**НАЧИНКА ДЛЯ ПИРОЖКОВ.** В квашеную капусту добавить натерты клубень (1:1). Пирожки с такой начинкой очень вкусные. А если пирожки начинить одним только тертым клубнем, они будут пышными, ароматными, словно с повидлом.

Николай ПЯГАЙ.

**ТОПИНАМБУР**

күлланилади. Гулларидан дамланган чойи, шохларидан тайёрланган кайнатмасы ва баргланинг дамламасы милк яллигланган пайтларда, ангиналарда, бадан куйган пайтларда, оғиз, томоқни чайиш ва куйган жойларга қўйиш учун ишлатилади. Илдиэларидан тайёрланган кайнатмасы ич сурғи ўрнида қўлланилади. Қадимги ҳақимлар олча меваларини умуман қувватта киргизадиған, қонни қўпайтирадиған, қандқоқни қолдирадиған, балғамни қўчирадиған восита тарикасида қўп ишлатиған. Олча ични қотирадиған хуссията ичн эгадир. Унинг бу ху-

сусияти қокисида янги мевасидиған кура қулироқ. Замонавий таабобатда олчадан иштаха очиш учун, сийдик ҳайдайдиган, балғам қўчирадиған, яллиғланишга қарши таъсир қўсатидиған, антисептик, антианемик, антисклеротик восита тарикасида фойдаланилади. Олча ич кетишга ҳам даво бўлади, шунингдек, камиллар ўтқузучанлигини қамайтиради. Олчада бўладиған кумаринлар ва оксимаринлар қон изувчанлиги қўпайиб кетган маҳалларда яхши-

**Ўз неъматлари**

литлар, ичак атонайсига даво қилишда ишлатилади. Сутда қайнатадиған янги барглари сарик касаллиғида (гепатитларда) бир қадар наф беради. Олча мева барглари ва новдалардан тайёрланган қайнатмасы яллиғланишга, ревматизмга қарши ва қон тўхтатувчи хуссиятга эгадир. Уни энтероклитларда, баданга шиш қелган ва ҳайз пайтида қўп қон кетаётганда қўлланилади. Шунингдек, камқонлик, иситма ҳолатларида умуман қувватта киргизадиған ва энгил сурғи воситаси тарикасида буорилади. Олча мевасининг эти ва суви антисептик хоссага эга бўлиб, микроабларга қарши таъсир қўсатлади.

**Тайёрлаш ва ишлатиш усуллари.**

1. 2 ош қошиқ микдордаги олча меваси устига солиған сирли идишга 400 мл қайноқ сув қўйилиб, у бошқа идишдаги сувда 20-30 дақиқа қайнатилиб, кейин идиш сувдан олиниб, қайнатма совитилади, умуман қувватта киргизадиған восита тарикасида орвқатдан илгари ярим-бир стакандан қунига 2-3 маҳал ичилади.

2. 10 г микдордаги олча мевалари яхшилайди, чанқоқни босиб, ични бир қадар бўшаширади. Олча уруғларидан тайёрланадиған эмульсия ва мева бандларидан тайёрланадиған қайнатмалар сезиларли даражада сийдик ҳайдовчи таъсирга эга бўлиб, сийдик-тош касаллиги, хроник қо-

**АБРИКОСОВЫЙ СОК**

Абрикосовый сок приготавливается вместе с мякотью. Мякоть абрикосов содержит в себе желтое красящее вещество каротин, который является для человека источником витамина А.

Отсортированные, хорошо промытые абрикосы кладут в кастрюлю с кипящей водой (на 1 часть воды 4-5 частей плодов) на 10-15 мин. У размягченных плодов удаляют косточки, а мякоть протирают через сито или дуршлаг.

Для улучшения вкусовых качеств сока к протертым абрикосам добавляют сахар. Отдельно готовят сахарный сироп 15%-ной концентрации (на 850 г воды 150 г сахара). Сироп кипятят и фильтруют через марлю, затем смешивают протертые абрикосы с сахарным сиропом (на 1 кг протертой массы добавляют 1 кг сиропа).

Готовый абрикосовый сок доводят до кипения и разливают в ошпаренную тару, которую накрывают крышками и стерилизуют при 85°С: банки емкостью 0,5 л — 15, емкостью 1,0 л — 20 и 3-литровые бутылки — 30 мин.

Бўйи 3-7 м га борадиған мевали дарахт. Мевалари пушти, тўқ қизил рангда, думалоқ бўлиб майда (диаметри 15 мм дан 17 мм га боради), эти ширин сал норддорқ. Навлари кўп, барглари навбатма-навбат жойлашган, тўқ қизил рангда, тескари тўхумсимон, чети тишли, меваси шарсимон бўлиб, данаги этидан ажралмайди.

Олча март-апрелда гуллайди, июн-июл ойларига ошадир.

**Ишлатиладиган органлари:**

илдиэлари, барглари, гул бандлари, мевалари.

**Кимёвий таркиби.** Олча меваларида 3,84% — 5,24% глюкоза, 3,31 — 4,31% фруктоза ва 0,29 — 0,8% сахароза; 0,1% гемицеллюлоза, 0,5% клетчатка, 0,4 — 11% пектин, 0,8% моддалари, 0,4% ёғлар бўлади. Умумий кислоталар микдори олчанинг навларига қараб 1,46% дан 2,16% гача боради. Олчада талайгина витаминлар, витамин Е, Р, каротин, биотин бор. Олча таркибидаги макро ва микроэлементлар микдори (мг % ҳисобидан): калий 256; кальций — 35, магний — 26; натрий — 20; олтингурут — 6; фосфор — 30; хлор — 6; бор — 125; ванадий — 35; темир — 500; йод — 2; кобальт — 1; марганец — 80; мис — 100; молибден — 3; никель — 15; фтор — 13; рux — 150, олчада ошловчи моддалар кумарин, катехин ва бошқалар ҳам бўлади.

**Таъсири ва ишлатилиши.** Халқ таабобатида олча сувини трахеитлар, бронхитларда балғам қўчирувчи восита сифатида,

**ОЛЧА**



гина шифобахш таъсир қўсатди. Шунинг учун олча мокард инфарктини кечирган одамларга фойдалидир. Олча меваларида яллиғланишга қарши ва буриштирувчи таъсир қўсатидиған ҳамда ичқандан захарли моддалар сўрилишини қамайтирадиған пектин бор.

# АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ХОРАЗМДАГИ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

## Ибн Синони ўрганамиз

Президентимиз И. А. Каримовнинг кўрсатмалари билан юртимиз, аждодларимиз тарихини ўрганишга бекиёс, кенг имкониятлар яратилмоқда. Хоразм диёри жуда узоқ тарихга эга. Бу заминда қанчадан-қанча авлиёлар, олимлар, пахлавонлар яшаб ўтган. Шу ўринда шоирнинг «Хоразм тарихини оҳсангиз агар, Ал Хоразмий, Берунийдек сиймолари бор. Хоразм бўлмас нетардинг дунё, Авесто ҳам Зардуштиниз ўтардинг дунё», деган шеърини эслаб ўтишга тўғри келади.

Президентимизнинг Хоразмда Хиваннинг 2500 йиллик юбилейида Хивада Маъмур академиясини қайтадан ташкил қилиш керак деган сўзларини эшитганимизда буюк қомусий олим Абу Али ибн Синонинг мана шу академияда ўтказган таърифи ақс олдимга келди. Шундан бери мен бобомиз Ибн Сино ҳақида бир нималар ёзишни ўйлаб юрадим, бунга яна бир бор туртки яқинда Хоразмда «Ибн Сино халқроқ жамғармаси» томонидан Қарияларни кадрлар йили муносабати билан ўтказилган илмий Конфе-

ренция бўлди. Маъмур академияси 997-1017 йилларда Хоразм шоҳ Маъмур Ибн Маъмур-II даврида ташкил топади. Маъмур Фазнавий Хоразмни истило қилгунга қадар Абу Али ибн Сино ҳам шу академияда хизмат қилади.

Абу Али ибн Сино Хоразмда яшаб ижод қилган даврида ўзининг энг буюк кашфиётларини очди. Шундай кашфиётлардан бири юқорида эслатиб ўтилган иккита кўзичоқ ва бўри билан ўтказган таърибасидир. (Кейинчалик бу таърибаси бутун дунё олимлари томонидан Ибн Синонинг классик таърибаси деб тан олинди). Таърибанинг моҳияти шундан иборат: бир чоғга 3 та кафасда бўри ва иккита кўзичоқ жойлаштирилади. Кўзичоқнинг биттаси бўри жойлаштирилган кафасга қўйиб жойлаштирилади, иккинчи кўзичоқ жойлаштирилган кафас бўридан сал узоқроққа қўйилади. Ибн Сино унчала жониворга ҳам ўт, сув, овқатликлар бериб туради. Маълум вақтдан кейин бўри кафасига яқинроқ жойлаштирилган кафасдаги кўзичоқ ўлади. Бу таърибаси орқали Ибн Сино шундай хулосага кела-

ди: узоқ вақт ночор аҳволда қолиш, кўрқинч, ҳис-ҳажон доимий тақорланиб туриши, ички аъзолар: юрак, қон томirlлари, ўпка нерв системаси фаолиятини ишдан чиқариб, ҳатто, ўлимга ҳам олиб келиши мумкин. Замонавий тиббиёт тили билан айтганда Ибн Сино биринчи бўлиб, Стресс теориясига асос солади.

Ибн Синодан 1000 йил кейин эса канадалик олим Ганс Селье шу таърибга ўхшаган таърибларни ишдан тақорлаб стресс-дистресс теориясини яратиб, Нобел мукофотига сазовор бўлган.

Ибн Сино бошлаб берган йўналиш дунё олимлари томонидан хозиргача ўрганилиб келинмоқда. 1956 йилда Сўхумида Миминошвили маймунлар билан таърибга ўтказиб конфликт ҳолатларини моделлаштириш усулини очди. 1977 йилда америкалик физиолог ДЖ. Генри Зоосоциологик Лабиринт ясаб ҳайвонларнинг ҳолатини текширади. Стресс таъсирида қон томirl юрак системаси, нерв системаси, гормонлар, амино кислоталар, ҳужайраларда бўладиган манфий ўзгаришлар касалликларга олиб келиши мумкин, булар: биринчи

навбатда неврозлар, артериал гипертония, миокард инфаркти, юрак артемиялари, бош миёда қон айланишининг бузилишлари. Бу касалликлар асримиз эпидемиологияси ҳисобланади.

Ибн Сино Хоразмда яшаган даврда беморларни гиёҳлардан дори-дармонлар тайёрлаб даволашдан ташқари уқалаш, кўл билан аъзолар фаолиятига таъсир қилиб, даволаган яъни мануал терапия усулларини қўллаган. Фикримизни архилогик қазилма-лар жараёнида топилган тошларга ёзилган миниатюра санъати намуналари қолдиқлари тасдиқлайди.

Бу усул 1000 йиллар давомида халқ орасидаги табиблар орқали бизгача етиб келган.

Хоразмда Абдурахмон табиб яшаб ўтган. Биз у табибдан елка периастритларини мануал терапия усули билан даволашни ўзлаштириб олдик. Елка периастрити билан оғриган 154 та беморни амбулатория шараитида ҳеч қандай дори-дармонсиз даволадик ва 85-90% гача яхши натижа олдик.

Хоразм воҳаси иккита кум оралигида жойлашган. Туз кон-

лари шўр тузли кўллар бўлган. Ибн Сино кум билан, туз қонларида, шўр сувлардан даволаш усулларига ҳам асосланган замонавий тиббиётда кум билан даволаш псаммотерапия, туз билан даволаш спелеотерапия дейилади.

Кум билан даволаш дунёнинг 8 та мамлакатида қўлланилади. Республикаимизда кум ва туз билан даволашни Семашко номидаги физиотерапия ва курортология илмий текшириш институти Термиз филиали директори Зокиржон Зунунов илмий асослаб берган. Хоразмда шўр сувли кўллардан бири Богот туманида жойлашган. Кўлнинг атрофи кум барҳанлари билан ўралган. Бу ердан ҳар йили 3-4 минглаб одамлар кум билан даволашиб ўз дардларига шифо топиб келишади. Ибн Сино бобомизнинг меросини ўрганиб кейинги авлодга етказиб бериш тарихи ва шифокор олимлар, муқталик республикамиз ҳар бир шифокори учун катта бир шарафли бурч ҳисобланади.

**Ибодулла АБДУЛЛАЕВ,**  
Богот тумани марказий шифохонаси шифокори,  
Олий тоифали терапевт,  
тиббиёт аълочиси.

**Азиз муштарийлар! Аввало бизнинг газетамизни мунтазам ўқиб бораётганлигингиз учун ташаккур. Мана кўлимизда кўплаб хатлар, турли хилдаги мавзулар. Айниқса, сизларни «Савол сиздан – жавоб биздан» руқниимизга йўллаётган мактубларингиз саломатликларингизга бўлган эътиборларингизни асосий ифодаси эканлигига амин бўлдик. Кейинги пайтларда хатларнинг кўпчилиги қисмини оналаримиз фарзандларининг соғлиғи тўғрисида қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишиб, таърибали мутахассисларимиздан маслаҳатлар сўрайдилар. Бухоро вилоятидан Раҳима Усмонова «Болаларимизнинг кўз гигиенаси» тўғрисида маълумот беришимизга сўраган эканлар. Муштарийнинг саволига Ўзбекистонимиздаги таниқли олимга, кўз касалликларининг мўъжизавий соҳибаси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Муҳтарам Ҳамидова жавоб берадилар.**

## Билганингиз – фойдангиз


Ҳурматли ота-оналар!  
Биз болаларимизни боғча ёшидан то уларнинг қамолга етгунча қадар билим олиши учун интиламиш. Уларга зарур имониятлар яратиб бериш билан бирга, уларнинг соғлом, эсли-хушли ва билимдон бўлиб ўсишлари ҳақида ҳам ташвишланиб, қайғуришимиз табиий ҳолдир. Чунки бундай ҳиссиёт билан болаларимизга ғамхўрлик қилишимиз – давр талабидир.

Болани соғ-саломат бўлиши учун уни энг кичкинот вақтидан ўй шараитида ҳам, кейинчалик боғча ёшида ҳам муносиб тарбиялаш зарур. Бу демак – уларга яхши муомала, маълум режа билан вақт-вақтида овқатлантириш, ухлатиб дам олдириш, тоза ҳавога олиб чиқиш ва бошқалардир. Шу жумладан, болаларни тетиклик, ҳушёрлик, хушмуомалалик ва ота-онага меҳрли бўлишини ҳам, албатта, назарда тутишимиз шарт.

Бола 7-8 ёшга тўлишидан илгарироқ унга мактабга бориб ўқиши кераклиги ҳақида тушунча, ўқишга қизиқиш ҳиссиётлари тўғрисида насихат ва маслаҳатлар беришимиз зарур. Чунки мактабга бориш, мактабдаги тартиб-интизомга ўрганиш биринчи вақтларда бола ҳиссиёти учун янги бир ҳолат бўлади. Ва яна ўқиш машғулотлари ўсиб келаётган бола организмга ва биринчи навбатда, унинг кўриш аъзоси фаолиятига маълум даражада оғирлик қилиши – кўзни зурқитириши мумкин. Шунга асосланиб, айрим гигиеник талабларга риоя қилиш, кўзни салбий таъсирланмишлардан ҳимоя қилиш ва унинг кўриш фаолиятини бир умрга пайсийишдан сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида фикр юритмоқчи бўлдик.

Янги туғилган ва кичик болаларда кўзининг нур синдириш қобилияти кўнсуз бўлади. Бола 7-8 ёшга тўлиб, кўз соққасининг ўсиши ва унинг шакли тўла етилиб шаклландан кейин, кўзининг нур синдириш қобилияти нормал бўлиши керак. Агар бола жисмоний ҳижатдан соғлом бўлса, у кўрв қобилиятини яхши сақлаб қолади. Бироқ у «Соғлом бола – соғлом бола»дек муҳим қоида

## ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ КЎЗ ГИГИЕНАСИ



асосида эмас, носоглом туғилган бўлса ва яна ҳатто соғлом бўлса ҳам ноқулай шараитда дарс қилса, жойи яхши битрилмаган бўлса, мебел боланинг бўйига мос бўлмаса, ўқиш ёки ёзиш жойида гавдаси нотўғри тўтилса, меҳнат ва дам олиши мутаносиб ташкил этилмаса унинг кўзида яқиндан кўриш (миопия) ёки ёмон кўриш (гиперметропия) пайдо бўлиб, кўриши псайиб, бора-бора ҳаттоки гилайлик ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Болалар ўқитганда ёки ёзаётганда китоб ё дафтарни кўзлари га яқин келтиришга ҳаракат қилишлари га аҳамият бериб, ёки узоққа қараганда кўзларини қисиб қарашлари га, ёки кўраётган нарсасига яқинроқ боришга интилишлари га ва яна уларнинг тез чарчашлик, бошлари ва кўзлари оғриётганлиги тўғрисидаги шикоятлари га ҳам ота-оналар тезда аҳамият бериб, ҳушёр бўлишлари керак.

Бундай болаларни тезда кўз шифокорига кўрсатиш, яқиндан кўриш (миопия)лари аниқланганда кўзойнак ёздариб олиб, бола-

тури – бола организмдаги туғма патологик ўзгаришлари натижасидир. Ёки мактаб ёшидаги болаларнинг турлича касалланиш оқибатида ва яна болаларнинг хира ёруғликида китоб ўқиши, ёки узоқ вақт давомида кўминча ётиб ўқиши натижасида пайдо бўлади. Бу борада боланинг 8-9 ёшидан 11-12 ёшгача бўлган давр, айниқса, хавфлидир. Миопия вужудга келишининг олдини олиш учун болани мактабга жойлаштиришдан аввал ота-оналар уни офталмологга кўрсатишлари ва ҳар 6 ой ёки бир йилда кўзини текширтириб туришлари керак.

Хозирги кунда мамлакатимизнинг мустақиллик шараитида ёшларнинг ўқиши, билим ва касб-ҳунар ўрганиши учун ҳамма шароитлар мавжуд.

Мактаблар, академик лицейлар ва яна касб-ҳунар коллежлари учун замон даражасидаги ҳамма шароитлар, улар учун айрим-айрим кўринишдаги парта, стол-стуллар бўйига лойиқ қилиб тайёрланмоқда. Уларнинг шакл тузилиши, ўтириқлари, ёзув столлари кенглиги, айниқса, ёзув-чизув учун ўнғайлигини ҳисобга

олиб, 1-3-синфлар, 4-6- ва 7-10-синфлар учун – ўша ёшдаги ўқувчиларнинг бўйи, қадду-қомати га мослаб ясаилиш кўзда тутилиши керак. Шу қаторда бошланғич синф ўқувчиларининг ўй шараитида дарс тайёрлашлари учун ҳам махсус жой, уларга лойиқ стол-стуллар бўлиши шарт. Ёки бола ўтириб дарс тайёрлайдиган ўтириқлар ҳам талабга мувофиқ бўлиши, ёки ўтириқнинг устига бўйига муносиб танланган тахта, оёғи остига эса кичкина стулча қўйиш лозим. Дарс тайёрлаётган боланинг гавдаси қулай вазиятда бўлиши учун унинг товони ерга ёки столнинг остидаги танлаб қўйилган тўсинга тегиб туриши ва бола ўз гавдасини тик сақлаши зарур. Бола ўтирган стул эса, стол четидан 3-5 см ичкарироқда бўлиши, ёзиш вақтида боланинг иккала қўли стол устида эркин ва ўнғай қўйилиши лозим. Бола ёзаётганда ёки ўқитганда букчайиб ёки жуда энгашиб ўтириши мумкин эмас. Чунки бу ҳолатда у тез чарчайди ва кўзлари ҳам толиқади. Бола дарс тайёрлайдиган жой деразанинг олдида бўлиши, у ерда ёруғлик етарли бўлиши керак. Агар юқори синф болалари кечкурун дарс тайёрлайдиган бўлса, унинг чап томонида оқ хирароқ абажур остида 75-100 ваттлик лампочка бўлиши лозим. Кўз билан дафтар ёки китобнинг оралиғи 30 см дан кам бўлмаслиги, ўқилаётган китобнинг юқори ярмиси бир оз кўтарилган вазиятда туриши ўқиш учун қулайлик туғдиради.

1-3-синф болалари 1-5-2 соат, юқори синф ўқувчилари 3-4 соат дарс тайёрлашлари лозим. Ҳар 30-40 дақиқадан кейин ўқувчи тоза ҳаводан нафас олиши керак ва шу вақтда узоқларга қараб кўзга дам берилиши керак. Бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналари ўз болалари учун кун тартиби тузишлари ва фарзандларини шу тартибга риоя қилишлари назорат қилишлари зарур. Бунда бола биринчидан – тартибга ўрганиди, иккинчидан ўз соғлиғини яхшилади.

1-2-синф болалари мактабдан келганларидан сўнг кийимларини алмаштиришлари, овқатланишлари ва тоза ҳавода 1-2 соат ўйнашлари лозим. Болалар ўйнаётганда маҳалла аҳли иложи борица нуруний ота-оналар бир оз назорат қилиб юришса нур устига аъло нур бўлар эди.

Болаларни дарс тайёрлашга ҳар куни бир хил вақтда ўтиришга ўргатиш мақсадга мувофиқ. Соат 5-6ларда бола яна бир марта овқатланиб, 8,5-9ларда уйкуга ёттишлари лозим.

Дарс тайёрлаш учун ажратилган жойда ҳар куни бир хил вақтда ишлаши натижасида болада мунтазам равишда ишлаш кўнжик-

маси ҳосил бўлади. Бу унинг яхши ўқишига ҳам гаров бўлади. Болаларни ётиб ўқишлари га ижозат бермаслик керак. Бошланғич синф ўқувчилари га телевизиорни кечкурун қисқа мультфильмлари кўришга рўхсат бериш мумкин. Улар телевизиордан камида 2-2,5 метр нарида ўтиришлари га, ҳонани жуда қоронғи бўлмаслиғига эътибор бериш керак.

Миопиянинг энг кам даражасини ҳам тўлиқ тайинлайдиган кўзойнак берилиши керак. Агар болалардан бирида миопия 3,0 диопетр гача бўлса, унга фақат узоқни кўриши учун тўлиқ кўзойнак керак, ўқиш-ёзиш вақтида кўзойнақдан фойдаланмаслиги тавсия қилинади. Чунки кўзининг мосланиш қобилияти ақкомодация-бар бўлиб у ўқиш-ёзиш вақтида 1,0-3,0 диопетр гача қувват бериши мумкин.

Миопиянинг ўрта ва кучли даражасини (М – 6,0 диопетр гача ва ундан юқори даражаси) тузатишда эса узоқни кўриш учун тўлиқ коррекция берилади. Уларга ёзиш-ўқиш вақтида фойдаланиш учун баридан 3,0 диопетр кам даражадаги яна бир нар кўзойнак берилиши керак. Бу усул кўздаги ақкомодатив мускулларни зўриқтирмастик, уларнинг вазифасини енгиллаштиришга мадд беради. Хозирги вақтда миопияни тузатиш учун кўз соққасининг устига жуда нозик кичкина контакт линзалар қўйдириш мумкин.

Ота-оналар бу хусусиятларни билишлари керак. Ўз болаларининг кўзойнакни тўғри тақшишлари ни кузатиб юришлари, айниқса, уларнинг кичкиналик вақтида ниҳоятда зарурдир. Миопияси юқори даражада бўлган болаларга тақшиш учун ёзиб берилган кўзойнакни улар мунтазам тақиб юришлари, яъни уйқудан ўйғониб ювинган тақиб олишлари, фақат уйкуга ётаётганда олиб қўйишлари керак. Шу асосий қоидаларга риоя қилгандагина кўз кўришини бир хил даражада сақлаш мумкин.

Ҳар 6 ойда ёки бир йилда болани кўз шифокорига олиб бориб, кўзи нур синдириш ҳолатини ҳамда кўзойнакнинг тўғрилиги (ўзгарганлиги) ни текширтириб туриш керак. Ақ ҳолда кўз физиологияси тобора бузилиши, кўзининг ички пардаларига зарар етиши, ёки болада гилайлик пайдо бўлиши мумкин. Гилайликни махсус кўзойнаклар билан тузатишнинг иложи бўлмаса, уни жарроҳлик усули билан тузатиш мумкин.

Кўз – дунё гўзаллиқларини кўриш, ўқиш-ёзиш имкониятига эга бўлиш, ўсиш, меҳнат қилиб муҳир уста, ёки улуг олим бўлиш учун Оллоҳ берган ноёб бир мўъжизадир. Бу мўъжизани ало-асраш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Муҳтарам ҲАМИДОВА,**  
тиббиёт фанлари доктори,  
профессор.

Шифокор маслаҳати

# «МАЙХЎРЛИКНИ НАФАС АЪЗОЛАРИГА ТАЪСИРИ»

Қадаҳ кўтариб соғлиқ тилаймиз  
Аслида соғлиқни емириб жарга қулаймиз!

Р. АЪЗАМИЙ.

Ашаддий майхўрлик (алкоголизм) жуда қадимдан бери инсонлар ҳаётини заҳарлаб, сон-саноксиз нохушлиқлар келтириб чиқариб келаётган омилардан бўлиб, у одамлар ўрта-сида турли касалликларни келиб чиқишига сабаб бўлади.

Майхўрликка бўлган муносабат, дуненинг ҳамма мамлакатларида бир хил бўлмай, унга таъсир этадиган омиларга боғлиқдир. Бундай омилардан бири динга бўлган эътиқоддир. Мусулмон дини спиртли ичимликларни «харом» деб эълон қилган, шу сабабли мусулмон динига эътиқод этувчи мамлакатларнинг фуқаролари майхўрликдан ўзларини тийишга ҳаракат этдилар. Натигада бу мамлакатларда спиртли ичимликлар ниҳоятда кам истеъмол этилади. Россияда эса майхўрлик жуда авжига чиққан бўлиб, асосан уни кучиллари (ароқ ва самагон) ичилади. Подшо Иван Грозний давлат хазинасини тўлдирish мақсадида ароқ истеъмол этишни кенг тарғиб этган ва кўплаб ишлаб чиқарган. Урта Осиёда то Оқ империя ҳукмрон бўлгунга қадар спиртли ичимликлар жуда кам истеъмол қилинган, ичилганда ҳам фақат мусаллас иштилатилган. Чор Россияси қўшилари билан бирга кириб келган спиртли ичимликлар Туркистон кенг тарқала бошлаган. Лекин ислом динига эътиқод кучли бўлган жойларда алкоголь интервенциясига қарши кучли ташвиқот ва тарғибот ишлари билан бирга баъзи чора ва тадбирлар ҳам ўтказилган, чунинчи, 1917 йил Октябрь революциясига Ташкент шаҳрини ўрда суви икки қисмга ажратиб, ундан юқориси «Янги» ва Хадрага қараган томони «Эски шаҳар» деб аталган. Янги шаҳар қисмида рестороанлар ва майхўрлик маконлари мавжуд бўлиб, айрим мусулмон вакиллари шу «Янги

шаҳар» қисмида бўлиб, спиртли ичимликлар истеъмол этганлар, лекин ҳеч қачон маст ҳолда эски шаҳарда кўринмаганлар, чунки маст ҳолдаги кишини тошбурон этиб, қаттиқ жазолаганлар.

Октябрь революциясидан кейинги Қизил империя даврида, атеизм таълимоти кенг тарғиб этилиб, худосизлар жамияти таъсис этилган, диннинг алкоголизми ни жиловлаб турувчи вазифаси кескин суръатда пасайиб, ҳар би «шодликларимиз»ни ичкилик билан боғлаб олиб борадиган бўлди. Айниқса ўсиб келаётган ёшларимиз, уларда ота-оналари ҳар қандай йиғинда яхши тиллақларни алкоголь қадаҳларини кўтариш билан бирга олиб боришини кўриб, унда бир «хикмат» бўлса керак, деб ўсирилган ичкилик гирдобига тушиб қолдилар. Спиртли ичимликлар инсон танаси учун нақадар зарарли эканини бироз бўлсада эсингизга солиш мақсадида биз қуйидаги маърузамизни сизларга – муҳтарам ўқувчи, тақдим этмоқдамиз.

Инсон умрининг узок бўлишини таъминлайдиган омилардан бири организмни химоя этувчи кўчларни мустаҳкам бўлишидир. Агар шу организмда химоя кўчлари етарлича ўз вазифаларини ўтаб турсалар, одам касалликларга дучор бўлмайди. Лекин кўнунча турли зарарли одатлар туфайли организмни химоя кўчларини заифлаштириб инсон ўзи сабабчи бўлади.

Хозирги вақтда одамлар ўртасида кўп тарқалган зарарли одатлардан бири спиртли ичимликларни истеъмол қилишидир. Алкоголь – заҳар. Инсоннинг бирор хужайраси, бирор тўқима-си ёки бирор аъзоси унинг заҳарли таъсиридан четда қолмайди. Бу эса алкогольнинг биринчи навбатда ҳаётнинг асоси бўлмиш оқсилга ҳалокатли таъсири билан боғлиқ.

Спиртли ичимликларда этанол деб аталувчи модда бўлиб, у тананинг барча аъзоларига заҳарли таъсир кўрсатади. Чунки бу модда таъсирида барча тўқима ва хужайраларда модда алмасинуви бузилади. Организмнинг турли хасталиқларга чидамлилигини таъминлаб берадиган тананаги рағдиган ҳар қандай зарарли микрорганизмларни ва турли моддаларни зарарсизлантирадиган, иммунитет деб аталувчи таълимасини вазифаси кескин камайиб кетади. Яъни инсон танасини химояси кучсизланади. Шунингдек алкоголь хужайраларни қобили мембраналарни вазифасини кескин бузиб юборади. Одатда бу мембраналар хужайра ичкарисига керакли моддаларни киргизиб, керакмасларининг йўлини тўсади. Алкоголь таъсири натижасида хужайраларни «девори» бузилиб, зарарли нарсаларни хужайраларга кириши оқибатида, уларни нормал ҳолати ўзгартириб ҳар хил таъсирларга ҳалдан ташқари кучли жавоб қайтаради.

Яъни хужайраларнинг сезгирчанлиги ошиб кетади. Буни тиббиётда аллергия деб аталади. Нафас аъзоларида учрайдиган кўп хасталиқлар аллергия билан боғлиқдир. Масалан кўп учрайдиган бронхит астма (нафас қисими) касаллиги кўпчилик вақтда шу сабабдан келиб чиқади.

Баъзилар алкоголь организм учун фойдали энергия манбааси, у ишлаш қобилиятини, иштаҳани оширади ва овқатни ҳам қилиши яхшилайти, деган фикр юртишади. Аммо бу мутлақо асоссиз мулоҳаза. Чунки бир юмжа ичилгандан кейин пайдо бўладиган «бадан қизиши» ҳақиқатан ҳам терининг, қон томирларининг кенгайишидан пайдо бўлади. Лекин бу организмда иссиқликнинг сақланиши ўрнига тери орқали уни кўпроқ йўқолишига олиб келади. 1 грамм алкоголь ёнганда 7 катта калория ажралиб чиқишига қарамай киши организмни исимай, балки температураси пасаяди. Шунинг учун ҳам алкогольликлар тез-тез шамоллайдилар ва ўпканинг турли касалликларига дучор бўладилар.

Алкоголни иштаҳа оширишига келганимизда, ҳақиқатан ҳам унинг таъсири ошқозон ширасини бирмунча кўпроқ ишлаб чиқаради, лекин алоҳида олиб бориладиган текширишлар шуни кўрсатадики, бу ортиқча ишлаб чиқарилган ошқозон шираси бир қадар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, унда кўп миқдорда кислотро, кислота, шиллик модда бўлади, аммо овқат ҳазмида керак бўлган ферментлар жуда кам экан. Буларнинг ҳаммаси овқат-

нинг ҳазм қилинишини бузилишига, кейинчалик эса шира ишлаб чиқарадиган хужайраларнинг емирилишига олиб келади. Шундай қилиб «алкоголнинг» «фойдали» томонлари бор деган фикр мутлақо илмий асоссиз. Алкоголь инсон нерв системасига ҳалокатли таъсир қилади. Чунки алкогольнинг энг кўп миқдори шу ерда йиғилади. Натигада одамни тез-тез заҳли чиқадиган бўлиб, уйқусизликка мубтало бўлади, ақлий ишлаш қобилиятини пасаяди. Оқибатда одам ақл-идрокдан ажраб, турли касалликларга дучор бўлади, бундай одамлар ўзини аҳоли нақадар оғир эканлигини тушунмайдилар, тарбияга риоя қилмайдилар, шахсий гигиена ва даволаниш талабларини бузадилар. Шунинг учун ҳам алкоголь истеъмол қилганларнинг касалликлардан тамоман тузалиши жуда қийин бўлади.

Алкоголь ошқозон, ичаклардан қонга сўрилади. Аммо ошқозон ва ичаклардан қайтиб келаётган қон организмнинг хужайраларига етиб боришдан олдин жиддий тўқсандан – асосий лабораториядан – жигардан ўтади.

Ҳар галги ичиш – образли қилиб айтганда, жигарнинг турли мураккаб вазифаларини бажарувчи хужайраларга берилган зарбидир. Жигар хужайраларининг ўз вазифаларини етарлича бажара олмаслиги, организмда модда алмасинувини турли соҳаларни ишдан чиқишига олиб келади. Бу – организмни химоя кўчларини ҳолсизланиши демакдир. Натигада сил касаллигини келиб чиқиши учун шароит яратилади.

Р. АЪЗАМОВ,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор.  
(Давоми бор).

## БИЛАСИЗМИ? ЯНА КЎК ЧОЙ ҲАҚИДА

Кундалигимизда, умуман турмуш тарзимизда кўп иштиллашадиган кўк чойнинг ўзига хос сир-синаотлари халигача тўлиқ ва батафсил ёритилмаган. Лекин, барибир шундай бўлсада, биз кўк чойдан ҳар дарда даво қўлланадиган лозим бўлган, истеъмол доираси кенг бир гиёҳ-шарбат сифатида унумли фойдаланиб келдик. Бугун ҳам бу ҳақдаги изланишлар тўхтаб ёки юрмай қолгани йўқ, албатта!

Кўк чой таркибида мавжуд бўлган катехинлар бевосита ичбурғ, паратиф ҳамда коккли бактерияларга таъсир этиб, кирон келтириши аниқланди. Бу ҳам биз учун фойдадан ҳоли нарса эмас. Яна шуни айтиш керакки, чой таркибида мавжуд бўлувчи витамин кислотаси асабни тинчлантирувчи бўлиб хизмат қилади. Чойдаги темир моддаси эса гемоглабинни кўпайтиришда ҳамда қизил қон таначаларини шакллантиради, фтор элементни эса тишларни нурашдан сақлайди, йод ҳам ўз навбатида склероз касаллигининг олдини олади. Умумий қилиб айтиш мумкинки, кўк чой қон босимини пасайтирувчи омилардан ҳисобланад-да, кези келганда ҳам ижобий ҳам салбий жиҳатларга олиб келишидан бироз тийла олсак бас! Шу ўринда тарихга бир назар солсак, биз билган ўша буюк бобоқолларимизнинг муқаддас китобларида ҳам, уларнинг халқ орасидаги ардоқли ва самарадор ишларида ҳам ўзгача ривож ва интилиш бўлган. Бу ривож, интилиш эса хозирда қай даражада эъл қелиши, тўғривоғи, ақсоштиши ижобий самарадорлиқни оширса, эртанги кунимиз учун аса бу ўзбеки кўра билувчи дастур бўлиб хизмат қилади, деган ҳулоса кўнглимизни янада хотиржамроқ қилади.

Намоз ТОЛИПОВ  
тайёрлади.

## «Хурматли тахририят. Турли соҳа вакиллари ҳақидаги қизиқарли мақолаларингизни севиб мутлола қиламан. Навбатдаги чиқишларингизда уқаловчилик (массаж) касбини эъзозлаб, беморлар оёқ-қўлларига жон киритаётган ҳамширалар ҳақида ҳам мақола эълон қилсангиз.

Салом билан Гулсанам ВАҲОБОВА,  
Хоразм вилояти Хива тумани»

Журналист Файзулла Исаев ушбу хат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Миллий реабилитация марказининг ҳамшира-уқаловчиси Гавҳар Бобонова билан урчишиб, бу касоба илос қўйишининг боиси, унинг моҳияти, сир-асрорлари хусусида гапириб беришни сўради.

– Аллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, истиқлолимиз туфайли ҳар соҳа қатори тиббиётимизда ҳам самарали ўзгаришлар бўлмоқда. Ибн Синодек табобат илми султонининг издошлари – ҳамюртларимиз ўз ютқларини жаҳонга намойиш қилишаётир.

Мен 13 ёшимда ўнг оёғим сунги йиринглаб, Самарқанддаги 1-шаҳар болалар касалхонасига келдим. Бу масканда Зоя исмли навбатчи ҳамшира доимо атрофимда парвона бўлиб, хушмуомаллик билан бошимни силаб, оёқларимни уқалаб доволарди. Ўша кезлари бу аёлга меҳрим тобора ошиши боис ўзимга-ўзим «Худо хохла-са, тузалиб чиқсам, албатта Зоя опамдек ҳамшира-уқаловчи бўлиб, элга хизмат қиламан», деб ният қилгандим. Ниятга қараб амал деганларидек, орзум Самарқанд тиббиёт билим юртига етаклади. 1983 йили кечки бўлим умумий профилдаги ҳамширалар гуруҳига ўқишга кирдим. Кундуз кўчлари эса шохар шифохонасининг жисмоний даволаш бўлимида фаррош бўлиб ишлаш бошладим. Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб деганларидек, уқалаш моҳияти, сир-асрорларини ўзимда ва биринчи ўғлим Шерзода синаб, кўп нарсаларни билиб олдим. Тўнғичим

Шерзод етти ойлик туғилиб, яхши ўсмади. Ушунда шифокорлар уни уқалашни тавсия этдилар. Шаҳардаги 4-болалар поликлиникасига мурожаат этдим. У ерда дардимни обдон тинглаган ёши улуг рус аёли Евгения Егоровна менга

## СЕҲРЛИ БАРМОҚЛАР

далда берди: «Уксинманг синглим, ўлгингиз ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетади, ўзим хоҳласангиз уйингизга бориб уқалаб доволайман», деганда қувончдан кўзларимдан ёш томчилганимни ҳали-ҳали эслаб юраман. Шундай қилиб, у уйда доволаниш бошлаб юборди.

Унинг ҳар бир хатти-харакатини ҳамон эслайман. Евгения опа ўғлим ўринда ётганида унинг боши танасининг бошқа-булакларидан юқори турмоғи кераклигини, ётар ўрни унинг бўйини, қўлоёқларини ва умуртқа устунини қийшайтириб қўйишдан сақламоқлик лозимлигига алоҳида эътибор бериш кераклигини таъкидларди.

Ёз кўнлари боламни ўртача иссиқ сув билан, қийда эса иссиқроқ сув билан чўмилганимни Чўмилтириш вақтида уни ўнг қўлидан ушлаб чап қўлининг илагига кўкраги билан ётқизарди. Сунгра юмшоқ соқик билан артиб бўлган, аста-секин уқаларди. Қўпична баданини маълум муддат силаб бўлган, бармоқ учлари билан сиқиб-сиқиб қўярди. Бу

билан аъзолари тез шаклланишини менга уқтирарди. Кейин эса боламнинг қўлларини ёзиб, икки тирсагини икки тиззасига теккизиб, бошига лойиқ қалпоқча кийгизиб, ҳавоси ўрта даражали, иссиқ ҳам совуқ ҳам бўлмаган уй тайёрлаб уқаларди. Буни қарангик бундай мулоқаддан кейин инжиқ, ухламайдиган ўғлим тўрт соат ором олди. Уйғонган иштаҳаси ҳам яхши бўлиб борарди. Ўттиз кунлик уқалашдан кейин этига ҳам эъ битиб яхши бўлиб қолди. Шундан сўнг кас-

## Сўраган экансиз

бошдаги ўзгаришларни меъёрлаштиради. Кўп беморлар инсултдан кейин бир томон қўлоёқлари ишламай қолган, юзлари қийшайиб тилдан қолган ёки дудуқлашган кишиларни тузатиб юборганман. Масалан, ҳамшираларим Гулноза Шоймардонова, Бибиғул Сарсенбоева, Дилшод Улуғов, Самандар Нуоров шулар жумласига қиради. Улар хозирда ҳам мен билан ҳамфикрликда саломатликларини тиклаб юрибдилар.

Айниқса, болалар билан ишлашни ёқтираман. Уларнинг қўлоёқлари ўз холига келганида қувнаб кетганликларини кўриб, ўз касбимдан ниҳоятда фахрланаман.

Маълумки, шифокорлар ўн кун уқалашни тавсия қилишади. Менимча, бу етарли эмас. Қамида бир ой уқаланса мақсада мувофиқ бўлади. Ушунда натижа ҳам кўзга ташланиб қолиши табиий. Болалар соғлом бўлсалар ҳам йилга бир мартаба уқалаш бўйича доволаниб турсалар, ҳар қандай касаллигининг олди олинади.

Ҳаёт тақозаси билан ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Миллий реабилитация марказида ишлаяман. Мени бу ерга марказимизда (кардиолог-терапевт) юрак ва ички касалликлар бўйича илмий котиб Холида Ҳасанова тавсия этдилар. У кишидан, шунингдек, психолог Феруза Мусаевадан шифокорлик касбига доир кўп нарсаларни ўргандим. Мен улардан ва хозирда физиотерапия бўлимида фаолият юритаётган раҳбаримиз ва барча касбдошларимдан чексиз миннатдорман. Зеро, улар меҳри дарё, ҳар кунни ногиронларнинг кўнглини кўтариб, уларнинг оёққа туриб кетиши учун қалб-қўрларини аямётган кишилардирлар.

### Жаҳон пазандалигидан ширинлик шайдолари

Муқаддас Елена оролининг аҳолиси учун энг шарафли ва биринчи ўринга қўйиб, истеъмол қиладиган таоми асал ва қанд ҳисобланади. Ширинхўрликда булардан ҳам шведлар устун туришади. Статистика маълумотларига кўра бир швед йилига 47 кг. қанд еяр экан. Қанд, конфет, ҳар хил мураббаларни ўзини ейишдан ташқари барча таомларига ҳам қўшишади. Ҳатто жигардан тайёрланган паштетга, сирка ва бошқа зирavorлар солиб тузланган балиққа ҳам шакар сепиб ейишади. Турли хил нонларни ҳам қанд қўшиб тайёрлашади. Швецияда яна шакар қўшиб тайёрланган колбаса ҳам бор, буни кесиб дастурхонга тортганда мевадан қайнатилган ширин компот билан келтирадилар. Шведларнинг энг шарафли ва севимли оши чўчка ёғида тайёрланган ловияли қора шўрвадир, бунга ҳам пича шакар сепишади. Ушбу шўрвани дастурхонга тортишда брусника қиёми солиб тайёрланган блин билан бирга берадилар. Ичига асал солиб қайнатилган балиқни айтмайсизми?!

Бизда, масалан, помидор ва бодрингга туз сепиб ейлади, уларда помидорга шакар сепилиб, бодринг эса қиёмга ёки асалга ботириб истеъмол этилади. Еб кўрганларнинг айтишларига қараганда асалга текзиб ейилган бодрингнинг мазаси тарвузга ўхшар эмис.

### ОФТОБДА НОН ВА ҚАЛАМПИР СОМСА

Жаҳонда фақат Панжоб пазандалигигагина хос офтобда нон пишириш усули бор. Пхурвали деб аталувчи ушбу ноннинг хамири жуда суяқ килиб, гуруч унидан қорилиди. Шу хамирни оқ сурпга юпка қилиб суяқ офтобга ёйиб қўйишади. Бирор соатлардан сўнг хамир қотиб матодан ажралганда олиб дастурхонга тортдилар. Ушбу нонни панжобликлар суяқ ошларга тўғраб истеъмол этадилар. Жаҳонда энг ачиққ сомса ҳам Панжобда бўлади. Хамиртурушсиз хамирдан жилд ёйиб худди биздагидек уч бурчак сомса тўғишади. Нони ҳам ўзбекчасига ўхшаш «сомса-са». Фақат қиймаси ачиққ қалампирнинг кўк ва қизилдан чопиб тайёрланади. Бунга туздан бошқа масаллик қўйилмайди.

Офтоби нонни тайёрлаш осон, ўзи ҳам кўсурмачак, шўрвага тўғраса бўртади. Ачиққ сомса эса панжобликлар учун жуда хушхўр туюлади. Тасаввур қилинг: уйқудан туриб ёки чарчаб, қанчаб келиб бир чойнак ачиққ чой инганимиздан кейин қандай сермалиб кетамиз, танамиз ярайди, майин тер чиқиб, шаббода юргандек салқинлаб хузур қиламиз. Қалампир сомсанинг ҳам панжобликларга ана шундай ихобий таъсири бор.

### ЎТИННИ ҲАМ ЮВИБ...

Ҳиндистонда аҳоли паст, ўрта ва олий табақаларга бўлинади. Ана шу ўрта ва олий табақадгиларнинг хонадон ошхонасига ёт кишининг қадам қўйиши мутлақо ман этилади. Учоқ бошини сигир тезаги аралаштирилган лой билан ёки суяқ тезакнинг ўзи билан сувашади. Мол тезаги уларнинг тушунчасида энг покиза нарса ҳисобланар экан. Шундай сувалган ўчоқда пилган овқат ҳам энг тоза ҳисобланар экан. Мабодо ошхонага паст табақадгилар одам, ё мусулмон, ё христиан ёки европаликдан бирон киши тасодифан кириб қолгудек бўлса иш тамом: пиширилган овқат ҳаром бўлди деб, тўкиб ташлашади. Қайта овқат тайёрлаганида эса барча масалликларни неча бор ювиб сўнг таом тайёрлашади. Бу-ку майли-я, ўчоққа қаланадиган ўтинни ҳам ювиб, офтобда қуритиб, сўнг ўт қалашади. Бу асосан гонди деб аталувчи халқнинг индуизм динидаги раджалари ошхонасида содир бўлади.

«КИЗИҚАРЛИ ПАЗАНДАЛИК» китобидан олинди



Ёз ўтмоқда — соз!

### «НА ЗАРЕ»

Повышенное содержание антиоксидантов в этом нехитром коктейле помогает защититься от свободных радикалов. Возьмите 6 средних морковок, 1 маленький апельсин, по пучку петрушки, сельдерея и половинку лимона. Поместите ингредиенты в соковыжималку. Разлейте по бокалам.

### «ВНУТРИ СОЛНЦА»

В этом коктейле очень много витамина С. Шлаки легко и непринужденно выводятся из организма естественным путем. Большое яблоко, 1 банан, 1 лимон, 1 киви и 2 столовые ложки с горкой ледяной крошки. Яблоки и лимон пропустите через соковыжималку. Ос-

### Лечебные коктейли

тальные ингредиенты измельчите. Добавьте лед.

### «ГОРЕ ОТ УМА»


Если в организме не хватает фолиевой кислоты, то человек теряет память и начинает тупо сообщать что-

бы такой беды с вами не приключилось, пейте этот коктейль. Сок 1/2 моркови, 1 апельсин, 1 столовая ложка меда, немного имбиря, 250 граммов биоюгурта. Все ингредиенты смешайте и взбейте.

## СКАНВОРД

1. Клизма. 2. Доя. 3. Боу Ко... 4. Ойлардан бири. 5. Сочи йўқ. 6. Чуқур. 7. Қўшиқ. 8. Қизлар исми. 9. Ножўя хатти-ҳаракат. 10. Фарзанд. 11. Пул бирлиги. 12. Дори номи. 13. Товоқ. 14. Саратон касаллиги. 15. Ночор. 16. Ўрик қоқи. 17. Баркамол. 18. Ини. 19. Халқасимон суяк. 20. Тиқиш қуроли. 21. Йиртқич балиқ. 22. Улус. 23. ... суяқсиз. 24. Куй. 25. Нота. 26. Фаҳм, идрок. 27. Дона. 28. Ота. 29. Нота. 30. Ранжиган.

Тузувчи Мурод БЕК.



### ЎТГАН СОНДАГИ СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

1. Қорин. 2. Маза. 3. Қош. 4. Киндик. 5. Момо. 6. Укроп. 7. Рашк. 8. Илон. 9. Кинна. 10. Нам. 11. Ома. 12. Амуг. 13. Эра. 14. Ила. 15. Драп. 16. Нил. 17. Ат. 18. Опел. 19. Тери. 20. Икра. 21. Ко. 22. Диабет. 23. Ларзон. 24. Фа. 25. Улкан. 26. Из. 27. Арк. 28. Арра. 29. Нок.

Производим полиэтиленовые фитинги, монтаж и реализацию полиэтиленовых труб для газа, воды и канализации.

Товар сертифицирован.  
Тел.: 35-02-46, 35-44-85.

### Фаолиятлари давомида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя этмаганлиги сабабли йўл қўйилган қонунбузарликлар учун лицензияларининг амал қилиши 3 ой мuddатга тўхтатилган юридик шахслар рўйхати

№	Ташкилот, корхона, дорихона муассасасининг номи ва манзили	Лицензия рақами ва берилган сана	Лицензия бериш ҳайъати қарорлари
1	«Муқаддас» хусусий дорихонаси – Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, С. Раҳимов кўчаси	П-0245 19.05.99й.	6.06.02й. №8

### Ўз аризаларига мувофиқ лицензияларининг амал қилиши тугатилган юридик шахслар рўйхати

№	Ташкилот, корхона, дорихона муассасасининг номи ва манзили	Лицензия рақами ва берилган сана	Лицензия бериш ҳайъати қарорлари ва санаси
1	«Сино» хусусий дорихонаси – Наманган вил. Чуст шаҳар.	№0801 26.10.99 йил	6.06.02 й №8
2	«Али Акбар бизнес» мчж дорихонаси – Тошкент шаҳар	№1798 2.07.01 йил	6.06.02 й №8
3	«Насиба» хусусий фирма дорихонаси – Сирдарё вилояти	№0151 19.05.1999 йил	22.05.02 й №7
4	«ANGOR» хусусий фирма дорихонаси – Андижон вилояти	№1050 17.02.2000 йил	22.05.02 й №7
5	«Сарбонтекс» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш савдо тижорат жамияти дорихонаси – Сирдарё вилояти	№2543 9.01.2002 йил	22.05.02 й №7
6	«Педиатр» хусусий фирма дорихонаси ва шаҳобчаси – Тошкент шаҳар	№1025 2.02.2000 йил	22.05.02 й №7
7	«FARSAL» мчж дорихонаси – Тошкент шаҳар	№1380 10.08.2000 йил	22.05.02 й №7

### «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш»

«Здравоохранение  
Узбекистана»  
Газета муассаси:  
Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш  
вазирлиги

### Бош муҳаррир: С. ОРИПОВ, профессор.

Ижрочи муҳаррир:  
И. СОЛТОВА.  
Тахрир ҳайъати:  
М. МИРРАЛИЕВ, П. МИРЎЛАТОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосарлари),  
Х. РАББАНАЕВ.

### Манзилимиз: 700060, Тошкент, Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қават. Тел/факс: 133-13-22; тел. 133-57-73.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида рўйхатга олинган, гувоҳномаси № 00504.  
Умумий адади 10.000 нусха  
Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади.  
Ҳафтанинг сешанба кунлари чиқади.  
Мақолалар кўчириб босилганда «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.  
Буюртма Г-616.

Ўзнома «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акцидорийлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.  
Ҳажми 2 босма тобоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган. Ўзнома IBM компьютерида терилди ва сақлаланди.

Реклама ва эълонлардаги маълумотларнинг мазмунини ва ҳаққонийлигини учун реклама берувчилар жавоб берадилар.

Саҳифаловчи: Анна ХОХЛОВА.  
Босмахонага топширилиш вақти 20.00.